# ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК, ВАТАН!

Mustaqil gazeta
HURRIYAT
№35 (239)
29-avgust – 11-sentabr 2001-yil
1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan
Har chorshanba kuni chop etiladi



*Истиқлол фаввораси*

Бугун Олий Мажлиснинг олтинчи сессияси иш бошлади.

## СИЙЛОВ МУБОРАК!

**Юртимиз истиқлолининг 10 йиллик шодиёнаси арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг нуфузли унвон ва мукофотлари билан сийландилар. Мукофотланганлар орасида оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам салмоқли ўринни эгаллайди.**

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" унвонига эса қуйидаги ҳамкасбларимиз лойиқ топилди:**

**Абдураззоқов Абдухолиқ** — "Ҳуқуқ" газетаси ва "Қонун ҳимоясида" бирлашган таҳририяти бош муҳаррири

**Муслимов Марҳамат** — "Сиҳат саломатлик" журнали бош муҳаррири ўринбосари

**Номозов Ортиқали** — "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг Наманган вилояти мухбири

**Норқобилов Норқўчқор Раҳматович (Қўчқор Норқобил)** — "Ўзбекистон овози" газетасининг сиёсат бўлими муҳаррири

**Расулов Фаррух Ҳамидович** — "Ўзтелерадио" компанияси "Ахборот" дирекцияси шарҳловчиси

**Қаршибоев Муртаза Маматқулович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти, журналист

**Қурбонбоев Фарҳод Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби хизмати фотомухбири

**Биз барча мукофотланган ҳамкасбларимизни эришган муваффақиятлари билан чин қалбдан муборакбод этамиз!**

**Сийлов муборак, фидойи ҳамкасблар!**

Хабар

## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИБ

Ўзбекистон Бадиий академияси кўплаб кўргазмалар ўтказган бўлса-да, навбатдаги "Шаҳидлар хотираси — рассомлар ижодида" деб номланган кўргазма ўзига хос тарзда ўтди.

Мазкур кўргазманинг очилиш маросимида "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасининг раиси Наим Каримов, шоирлар Шукрулло ва Ҳалима Худойбердиева ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари Акмал Икромжонов қатнашди.

Марказий Кўргазмалар залидан ўрин олган 26 суратнинг кўпчилиги тўқ бўёқларга бой бўлиб, қатағон қурбонлари бўлган адиб ва шоирлар Усмон Носир, Чўлпон ва Абдулла Қодирийнинг портретлари намойиш этилган. Шунингдек, ёнаётган шамлар, қўлларини кўкка кўтарган аёл рамзидаги чопилган қуруқ дарахт, табиатнинг чақмоқ ва довул манзаралари каби фалсафий ва рамзий суратлар кўргазмадан жой олган.

Б.Маҳкамовнинг "Абдулла Қодирий", "Дарахт ўлими", Азиза Маматованинг "Чўлпон" ва "Усмон Носир" портретлари, Акмал Икромжоновнинг "Натюрморт -37" учлиги ва "Чақмоқ" асарлари, Ориф Муминовнинг "Бухоро хотиралари", "Абдулла Қодирий хотирасига бағишлайман" ва шунингдек, рассомлар Ф.Сулаймонов ва М.Умировнинг асарлари 30-йилларнинг иккинчи ярмида бўлиб ўтган қатағон муҳитини ҳамда қурбон бўлган зиёлилар ва оддий одамларнинг ҳис-туйғуларини акс эттирган. Маросимда Ҳасан Ражабий ижро этган мақомлар суратларга ҳамоҳанг бўлиб, шаҳидлар руҳини шод этди.

**Дилноза АЗИМОВА,**
**"Ҳуррият" мухбири**

Эътироф

## БИРИНЧИ ВА ЎНИНЧИ ЙИЛ

1991 йилнинг 4 сентябри эди. Ўзбекистон Республикаси мустақил ва суверен давлат деб эълон қилинганига эндигина тўрт кун бўлганди. Қарийб бир юз ўттиз йилча давом этган мустамлакачилик асоратидан қутулган Ўзбекистон халқи кўтаринки руҳда яшар, Республика Президенти номига чет эл мамлакатлари раҳбарларидан, жамоат арбоблари ва шунингдек, оддий шахслардан табрик телеграммалари ёғилиб кела бошлаган эди. Мамлакатимиз жамоатчилиги улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрарди. 1991 йил Ўзбекистонда Навоий йили деб эълон қилинганди.

Ўша 4 сентябрь оқшомида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Миллий боғида қад кўтараётган Алишер Навоий ҳайкалини, бу боғда олиб борилаётган қурилиш ишларини кўздан кечирди. Унга республика ва пойтахт ташкилотларининг шу қурилишга мутасадди раҳбарлари ҳамроҳ эдилар.

Президент меъмор, муҳандис ва қурувчилар билан суҳбат ўтказди. Алишер Навоийга ўрнатилаётган ҳайкалнинг аҳамияти, келгусида бу боғ сўлим зиёратгоҳ бўлиб қолажаги, қурилиш ишлари то юбилей кунигача сифатли ва тўла бажарилиши зарурлиги ҳақида сўзлади, тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар берди.

Иш режалари ва ҳайкалнинг тантанали очилиш куни белгиланди, асосий тадбирлар 28 сентябрда кун бўйи ўтказиладиган, боғнинг тўққиз ерига тўққизта дошқозон ўрнатилиб, элга наҳор оши тортиладиган бўлди. Маълумки, тўққиз рақами халқимиз удумига кўра буюк ҳурмат белгисидир. Суҳбат охирида шундай таклиф тушди:

— Наҳор оши тортишдан олдин Қуръон тиловати қилиб юборилса...

Орага бир оз сукут чўкди. Ҳамма Президентнинг жавобини кутарди.

— Мумкин, — деди Юртбоши оғир-вазминлик ва ўйчанлик билан. — Кейин қатъий қўшиб қўйди: — Албатта, шундай қилиш ҳам керак. Халқимизда арвоҳ хотира деган азалий удум бор. Бу удумимизни қайта тиклашга, жорий қилишга вақт етди. Миллий турмуш тарзимиз шуни тақозо этади. Алишер Навоийнинг наҳор ошига кучли қорилардан таклиф қилинглар... Нимадан, кимдан чўчийсизлар, бародарлар! Энди мустақилмиз. Орқага қайтиш йўқ.

Рост гап шуки, даврадагиларнинг кўпчилиги Президентдан бундай жавобни кутмаган эди, шу сабабли баъзилар ажабланар, айримлар қулоқлари эшитган сўзларга ишонқирамас эди. Чунки улар кўп йиллик амалдорлик фаолиятларида республиканинг биринчи даражали раҳбаридан бундай кўрсатма олмаган, шундай кўрсатма бўлади, деб ҳатто тушларига кирмаган бўлса ҳам керак.

Йўқ, туш эмас, ўнг эди!..

Бу савол-жавобдан кейин суҳбат яна давом этди. Энди сўз Тошкентнинг, умуман эса Ўзбекистоннинг миллий қиёфаси, номуносиб ҳайкаллари ҳақида, майдон, кўча, ташкилотларнинг номлари хусусида борди. Шу суҳбат самараси ўлароқ, эртаси куни, яъни 1991 йилнинг 5 сентябри оқшомида Ўзбекистон телевидениесининг "Ахборот" кўрсатувида Президент Фармонига кўра Тошкентнинг Ленин номи билан аталиб келинган Марказий майдонига Мустақиллик майдони номи берилгани маълум қилинди. Ушбу Фармон 6 сентябрда матбуотда эълон этилди. Бу ҳужжат Ислом Каримовнинг мустақил Ўзбекистон давлатининг Президенти сифатида биринчи Фармони эди, ватансеварлик, ватанпарварлик туйғусининг ёрқин бир ифодаси эди!

Халқимиз ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан жар ёқасига яқинлашиб қолган, ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган бир пайтда Президентимиз мард элнинг мард ўғлони янглиғ дадил майдонга чиқди — Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилди. Шу тариқа юртимизга янги давр, янги замон келди, янги давлат тузилди! 1991 йил 31 августдан Ўзбекистон учун янги эра бошланди.

Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тантанали равишда эълон қилинган сессия йиғилишидан кейин бир воқеа бўлганки, бу воқеанинг эндигина йўргакланган миллий истиқлолни омон сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаб боришдаги аҳамиятини йиллар ўтгани сайин тобора чуқурроқ англаб боряпмиз.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинган 31 августдан кейинги кун 1 сентябрь дам олиш кунига тўғри келган эди. Шу ҳолни рўкач қилиб, айрим шошқалоқроқ депутатлар эртаси куни эълон қилинган истиқлолга бағишлаб жойларда йиғилишлар, намойишлар, митинглар ўтказишни таклиф қилишди. Бу таклифга Президентнинг жавоби бундай бўлди: менимча, бу борада ҳозирча шошилмаслик керак. Айримларнинг ғашига тегмай турайлик. Вазиятдан келиб чиқиб иш тутайлик. Худо хоҳласа, келгуси йил мустақилликнинг 1 йиллигини олдиндан катта тайёргарликлар кўра бориб, кенг нишонлаймиз. Ҳозирги,




шу соатдан бошлаб бундан буёнги энг муҳим вазифамиз — бугун эълон қилган мустақиллигимизни омон сақлаб қолиш, уни мустаҳкамлаб боришдан иборат бўлиши керак. Мустақилликни эълон қилиш дегани ҳали биз тўла мустақил бўлиб қолдик, дегани эмас, биродарлар. Аввало мустақилликни амалда тиклаш, яратиш, эътироф эттириш керак. Ҳали олдимизда тарихий курашлар бор. Ана ундан кейин ҳар қанча тантаналар қилсак, ярашади...

Президентнинг бундай маслаҳати якдиллик билан маъқулланди. Ўн йил бўлиб қолдики, Ислом Каримовнинг ўшанда оқилона, узоқни кўзлаб иш тутгани бот-бот ўз исботини топмоқда.

Чиқарган фармонларига қараб, давлат бошлиғи фаолиятининг моҳиятини аниқлаш ва баҳолаш мумкин. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган фармонларда ҳам у кишининг серқирра ва қизғин фаолияти муносиб ифодасини топиб келмоқда. Бунга Юртбошимиз имзо чеккан, 1991 йилни Алишер Навоий йили деб эълон қилиш ҳақидаги тарихий ҳужжатни ва улуғ бобомизнинг 550 йиллик юбилейида сўзлаган ёрқин нутқини илк мисол қилиб келтириш мумкин. Навоий юбилейида Президентимиз сўзлаган нутқида, жумладан, бундай деган эди:

"Бу тўй миллат байрамидир. Қадриятимизни яна бир бор улуғлайдиган байрамдир.

Бу тўй халқимиз, Ўзбекистонимиз ҳаётига алоҳида файз, тароват бахш этди. Алишер Навоий йили деб эълон қилинган 1991 йил юртимиз, элимиз тарихида қутлуғ келди, унутилмас сана бўлиб қолди.

Бу йил халқимизнинг асрий орзу-умидлари амалга оширилди. Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигини эълон қилди ва ўз тақдирини энди ўзи ҳал қиладиган бўлиб қолди..."

Куни кеча Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган тантанали маросимда муҳтарам Юртбошимизнинг нутқини тинглаб ўтириб беихтиёр ўша 10 йил бурунги хотиралар жонланди. Мустақилликнинг биринчи ва ўнинчи йилларини ўзаро боғлаб турган буюк сиймо ва Ислом Каримовнинг унга бўлган муносабатида катта мантиқ, беғубор муҳаббат, ҳурмат-иззат мужассам эканига яна бир бор амин бўлдим.

Президент жўшиб гапирди, ҳазрат Навоий шахсини янада юксакларга кўтарди. Навоий даҳоси билан Истиқлол руҳи ўртасидаги муштараклик ришталари кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган 1991 йил ҳам, истиқлолимизнинг 10 йиллиги нишонланаётган 2001 йил ҳам мамлакатимизда Алишер Навоий йили деб эълон қилинди. Бунда чуқур мантиқ, Президентимиз олиб бораётган сиёсатда изчиллик, узоқни кўзлаб иш тутишлик ва келажакка комил ишонч бор.

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ**

## "ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ"

***Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ва Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигидаги "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танлови якунига етди.***

***Юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида юз берган улкан ўзгаришларни замон талаблари асосида тўла очиб бера олган, ўзининг ижодий изланишлари билан бошқаларга ўрнак бўлган***

***— рассом Рустам Худойберганов;***

***— Ўзбекистон телевидениеси катта муҳаррири Фарҳод Бобожонов;***

***— шоир Абдулла Турдиев (марҳум);***

***— публицист Бахтиёр Омон;***

***— "Соғлом авлод" газетаси бўлим мудири Юсуф Бердиев;***

***— "Ёшлик" журнали фотомухбири Абдуғани Жумаев***

***танлов ғолиби деб топилди.***

***Миллий матбуот марказида мазкур танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

***Совғалар қутлуғ бўлсин, ғолиблар!***

**Эшитмадим**

**демангла–ар–р–р!**

**"Афанди" газетаси нақ 3 ёшга тўлди-и-и-и!!!**

## "ИСТИҚЛОЛДАН ЗИЁ ТОПГАН ЮРТ"

**"Истиқлолдан зиё топган юрт" телерадиотанлови якунланди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида Ўзтелерадиокомпания танлов ҳайъати вилоятлараро "Истиқлолдан зиё топган юрт" телерадиотанловига тақдим этилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни кўриб чиқиб, ғолиб жамоа ва ижодкорларни аниқлади.**

***Телевидение бўйича:***

Биринчи ўрин

— **Хоразм** ва **Сурхондарё вилояти** телеижодкорларига;

Иккинчи ўрин

— **Қашқадарё** ва **Наманган вилояти** телеижодкорларига;

Учинчи ўрин

— **Фарғона**, **Жиззах** ва **Самарқанд вилояти** телеижодкорларига;

"Энг яхши режиссёр" мукофоти

— **Муҳаммад Рафиқов** (Бухоро вилояти телевидениеси бош режиссёри) ва **Носиржон Маматов** (Фарғона вилояти телевидениеси режиссёри)га;

"Энг яхши тасвирчи" мукофоти

— **Шерзоджон Юсупов** (Фарғона вилоят телевидениеси тасвирчиси), **Уйғун Ҳайдаров** (Қашқадарё вилоят телевидениеси тасвирчиси), **Машрабжон Қосимов** (Наманган вилоят телевидениеси тасвирчиси)га;

"Энг яхши тележурналист" мукофоти

— **Ғуломжон Султонов** (Навоий вилояти телерадиокомпанияси раиси), **Гулчеҳра Мирзаева** (Бухоро вилояти телерадиокомпанияси катта муҳаррири), **Мамбет Саъдуллаев** (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг раисининг муовини), **Ўрол Олтибоев** (Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси гуруҳ раҳбари)га.

***Радиоэшиттиришлар бўйича:***

Биринчи ўрин

— **Фарғона** ва **Наманган** вилоят радиоижодкорларига;

Иккинчи ўрин

— **Бухоро** ва **Андижон** вилоят радиоижодкорларига;

Учинчи ўрин

— **Қорақалпоғистон Республикаси**, **Самарқанд** ва **Навоий** вилояти радиоижодкорларига;

"Энг яхши режиссёр" мукофоти

— **Алижон Абдуллаев** (Сирдарё вилояти телерадиокомпаниясининг бош режиссёри), **Елмурод Есемуродов** (Қорақалпоғистон Республикаси радиосининг режиссёри)га;

"Энг яхши радиожурналист" мукофоти — **Сабоҳат Раҳмонова** (Андижон вилояти радиосининг катта муҳаррири), **Баҳодир Эргашев** (Қашқадарё вилояти радиосининг бош муҳаррири)га;

"Энг яхши диктор" мукофоти

— **Манзура Шодиева** (Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг диктори)га бериладиган бўлди.

**Ғолиблар пул мукофоти, Ўзтелерадиокомпаниянинг Фахрий Ёрлиғи ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.**

## ТОТЛИ БАЙРАМ ТАДБИРИ

Дўстлик жамиятлари Кенгаши залида Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари мустақиллик кунларига бағишлаб уюштирилган тадбир бўлиб ўтди.

Учрашувни Дўстлик жамиятлари Кенгаши раиси муовини Ҳасан Икромов кириш сўзи билан очди. Сўнг икки давлат мадҳиялари янгради. Мадҳиядан кейин сўз "Ўзбекистон-Ҳиндистон" дўстлик жамияти раиси Баҳодир Мақситовга берилди. У меҳмонларни байрам билан табриклаб, бугунги кунда Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари ўртасидаги дипломатик ва бошқа соҳалар, шунингдек, спорт соҳасидаги алоқалар ҳақида гапирди.

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Бхаскар Кумар Митра меҳмонларни байрам билан табриклади. У Ўзбекистон Президентининг саъй-ҳаракатлари билан мамлакат 10 йил ичида мислсиз ривожлангани тўғрисида гапириб ўтди.

Учрашув якунида "Лазги" рақс ансамбли ҳамда Ҳиндистон маданий маркази томонидан тайёрланган концерт дастури меҳмонларга тақдим этилди.

**Шаҳноза ҒОИПОВА**

# “ЎЗТРАНССАНОАТ”

## республика уюшмаси

барча юртдошларимизни

**мустақиллигимизнинг 10 йиллиги билан**

самимий муборакбод этади!



**Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби республикамиз транспорт саноатида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди, соҳа корхоналарида таъмирлаш, зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ишлари бажарилди. Энг муҳими, маҳаллий хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу борадаги ишлар жадал давом эттирилмоқда.**

Ушбу қутлуғ байрам билан қутлар эканмиз,
хонадонларингизга тинчлик, хотиржамлик ва қут-барака тилаймиз.
Юртимиз осойишта, осмонимиз беғубор, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНКИ

# ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ

**Барча юртдошларимизни истиқлолимизнинг 10 йиллиги билан табриклайди!**



*Биз асрий орзуимиз — Истиқлолнинг қутлуғ 10 йиллигини нишонлаяпмиз. Тарихан қисқа бу даврда мамлакатимизда ҳар бир соҳада туб ислоҳотлар жорий этилди, кўплаб амалий ишларга қўл урилди.*

*Республика саноат-қурилиш банки ходимлари ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда, иқтисодиётни ривожлантиришда, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда ва мустақилликни мустаҳкамлашда ўз ҳиссаларини қўшишдан фахрланади. Жамоамиз бундан кейин ҳам ана шу эзгу ва хайрли ишни бажаришда астойдил меҳнат қиладилар.*

*Сизларни ушбу айём билан қутлар эканмиз, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, озод ва обод диёримизнинг истиқлоли абадий бўлишини тилаб қоламиз.*

**Ватанимиз ҳамиша гуллаб-яшнайверсин!**



# ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИДАГИ

# "ЕМЕК"

# ҚЎШМА КОРХОНА ЖАМОАСИ

**Ўзбекистон халқини мустақилликка эришганлигининг**

**10 йиллиги**

**билан қизғин қутлайди!**



Ўзбекистон-Туркия—икки қардош давлатнинг чин маънодаги дўстлиги, ҳамкорлиги мана шу сана билан боғлиқ. Туркия Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган ва ҳамкорликка қўл чўзган давлатдир. Зеро, икки мамлакат, икки халқнинг томири, анъанаю удумлари бир ўзакни ташкил этади.

Биз Ўзбекистонда фаолият юритаётганимиздан мамнунмиз.
Ислоҳотларнинг самарасини кўриб, сезиб турибмиз,
муваффақиятларни олқишлаймиз.
Бизнинг истагимиз шуки, Ўзбекистон ҳамиша тараққиёт
оғуши билан яшасин.
Биз туркий биродарларингиз
Сизнинг улуғвор мақсадингизга тилакдошмиз
ва ҳаргиз ҳамкорлик риштаапарини боғлашдан миннатдормиз.

**Байрамингиз муборак, азиз қардошлар!**

Саргузашт

## "У-УХ" ЭМАС, "УФ"

Бир кун не машаққатлар билан асраб-авайлаб келаётган ҳайдовчилик гувоҳномамдан ажралиб қолай деганман. Ўшанда сентябрь ойининг бошлари, ҳали саратон ҳарорати босилмаган якшанба оқшомларидан бири эди. Шаҳарнинг "Чорсу" майдонида кўндаланг бўлиб бир автобус турибди. Назоратчилар таёқларини кўтариб, ҳайдовчиларга "шу ерга бир кириб ўтинглар" ишорасини қилишмоқда.

Мен ҳам кирсам-кирақолай деб шу машина остонасига қадам қўйишимни биламан, милиция кийимидаги киши узун шиша найчани оғзимга тўғрилаб "уф"ланг деди. "У-уҳ" дедим. "У-уҳ" эмас, "уф"ланг деди энди қаттиқроқ овозда. "Уф"лагандим, юпқа шиша ичи қизғиш ранг тортиб қолди.

— Ҳа, отибдилар-да! Қани юқорига! — эшик "оғаси" буйруқнамо оҳангда гапирди, қўлга тушдингми, дегандай.

— Бу қанақаси. Мен умуман ичмайман! — ўзимни тутолмай унинг юзига тикилдим.

— Ҳа, укам, сизга ўхшаганларнинг кўпини кўрганмиз. Ҳеч ким бу "тахтиравон"га ичдим деб ўз оёғи билан кириб келмайди. Бу ерга келтирилади! Маст ҳолда транспорт бошқариш қандай бўлишини яхшилаб тушунтириб, ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Қани, ҳов анави ерда Сизни кутиб қолишди, боракolинг!

Милиционернинг бу қўпол муомаласи менга бир пайтлар кекса фаррош аёлнинг ҳеч эсдан чиқмайдиган қилиб айтган ҳақоратомуз сўзларини эслатиб юборди: тўнғич фарзандимиз туғилганлиги муносабати билан табриклаб уйимизга қаламкаш дўстлар ташриф буюришмоқчи эди. Эрталабдан тайёргарлик кўриб, стол ясатдик. Шунда дастурхонда нимадир етишмаётгандек бўлаверди... Тарки одат қилиб, номига бўлса ҳам бир шиша ичимлик қўядиган бўлдик.

Кўчанинг нариги бетидаги озиқ-овқат дўконига ўтдим. Турли ичимлик шишаларини кираверишдаги полкаларга алоҳида қилиб, ҳафсала билан териб қўйишибди. Бу касофатларнинг тури кўп бўларкан, ҳар қандай одамнинг ҳам кўзини ўйнатарди.

— Ҳой, синглим, бу ёққа қараб юборинг! — дедим нарироқдаги сотувчи аёлга.

У энсаси қотгандай:

— Бўлим яна икки соатдан кейин очилади, — деди.

— Бўлимингиз билан нима ишим бор, менга бир шиша бериб юборинг, анаву зормандалардан, — дедим бироз жаҳлим чиқиб.

— Саводингиз борми, ўзи. Ҳов, пешонангиз устидаги ёзувни ўқинг, — деди сотувчи ҳам чийиллаган овоз билан заҳардайгина қилиб.

Мен "Спиртли ичимликлар соат 11дан кейин" сотилиши ҳақидаги эслатмани биринчи кўришим эди.

Энди аёлга яқинроқ келиб, ялинишга тушдим:

Дадахон НУРИЙ

# БОЙСУН ЖУНГЛИЛАРИДАН КАНДИ ЎРМОНЛАРИГАЧА

— Синглим, бир шиша бериб юборақолинг. Меҳмонлар келмоқчи эди.

— Бошланди..., — икки ёнбошининг пастроғига қўллари билан шаппатилади аёл, — энди биттасидан қутулгандим, — кўзларини ола-кула қилиб менга қаради, — нима, милиция чақирайми?!

Қаердандир пайдо бўлиб, пол артишга тушган алпомишдай гавдали кампир ижирғангандай юзимга қараб қўйди-да, тўнғиллади:

— Саҳарнинг калласида томоғи қақраб келиб олади, заҳар ютгурлар. Ҳаммасини милицияга топшириб юбориш керак! — унинг важоҳати жуда ёмон, қўлидаги бир учига латта ўралган фаррошлик таёғи билан тушириб қоладиган даражада эди...

Мана, энди айнан милицияга ўз оёғим билан келиб ўтирибман. Улар тўрт киши: иккитаси формада, иккитаси оқ халатли бўлиб, машина салонининг тўридаги ёзув столига кўкрагини тираган ҳолда лўққайиб ўтирибди. Улардан бировининг қўлидаги ручка ёзувга шай, ҳаммаси ҳукм чиқаришга тайёр. Айниқса, бундай пайтда "Хатга тушдинг — ўтга тушдинг" деганлари минг бора ҳақ бўлиб чиқади. Ҳозир буларнинг бирортасидан яхшилик кутиш дўстимиз Аблайдан еб кетарга пул сўраш билан баробар эканлигини сезиб турардим.

Ён қўшнимиз Абдулла акадай шоирни ҳам аяб ўтиришмаган. Ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб олиш учун не-не идоралар, казо-казолар ўртага тушмади. Охир "Афсус, протокол тузиб қўйилган экан, иложи бўлмади. Нега ўша куниёқ келиб айтмадингиз", деганларини ўз қулоғим билан эшитганман. Икки йилга ҳайдовчилик "ҳуқуқидан" маҳрум қилишганди. Ўшандан кейин зарурат туғилиб қолган пайтларда у кишига қарашли тўқ қизил ранг "Жигули"ни ҳам ҳайдаб тураман... Наҳот, энди менинг ҳам бошимга шу кун тушса! Ичганим рост бўлса гўрга эди!.. Бу чўзинчоқ шиша ё нотўғри ишлаяпти ёки булар ноҳақ мени жазолашмоқчи! Ичмаслигинг, умрингда шишага яқин юрмаганлигингни бу "ҳакамлар"га исботлаш ҳатто кулгили.

Энди бир йўли бор: ҳозир ҳужжатларни машинадан олиб келаман деб бу "қопқон"дан тезроқ қочиб, мен учун ҳар нарсага балогардон Эркин акамникига бориш! Ҳовлилари ҳам бир-икки чақирим нари — шу яқин-атрофда.

"Тахтиравон"дан пастга тушдим-да, шундоқ рўпара келиб қолган таксига ўзимни урдим:

— Жон ака, Ҳувайдога ҳайданг, тезроқ! — дедим.

Ҳайдовчи ҳам ниманидир сезди шекилли, ванғиллатиб газни босди. Назоратчилар ҳатто ҳуштак чалишга улгуролмади. Машинам эшиги ярим очиқ ҳолда йўл четида қолаверди.

Эркин ака қаердандир қайтиб, ҳали шляпани ҳам ечиб улгурмаган эканлар. Бўлган ҳодисани лўнда қилиб тушунтирдим. "Уф" денг-чи, дедилар менга яқинроқ келиб. Айтганларини қилгандим, афтларини буриштирдилар:

— Отибсиз, шекилли!

— Сизам ишонмасангиз, энди нима қилишим керак?

— Ўзи, одам ишонмайдиган ишлар қилиб юрасиз-да.

— Лекин мен умримда ичмаганман, ичмайман ҳам, буни яхши биласиз...

Бир куни эрталаб Эркин ака икковимиз Дўрмондаги ижод уйига кетаётганимизда худди мени ҳозиргина тутишган жой — Чорсуда милиция тўхтатиб "уф" дедирмоқчи бўлган, ўшанда Эркин ака ҳазил аралаш "Тўғрисини айтайми, кеча Ҳадрада бир кружка пиво ичгандим, кечирақолинг" деган, назоратчи ҳам зийрак йигит экан, шоирни таниб қолиб, "Эркин ака, Сизга оқ йўл, у пиво эмас, ярми кўпик, ярми сув-ку" дея лутф қилганди.

Ҳозир ҳам таксида кетяпмизу ўша воқеани эслаб, хаёлимда бир фикр чарх урарди: ишқилиб, у ерда ўтирганлар Эркин акани танисин-да. Ўлдими, тўрттасидан биронтаси танимаса!

Биз ичкарига киришимиз билан тўрда савлат тўкиб ўтирган подполковник ўрнидан сакраб туриб, Эркин ака истиқболига пешвоз чиқди:

— Ие, қадамларингизга ҳасанот! — Қучоқ очиб кўришиб кетишди.

Бошқалар ҳам ўринларидан туриб, меҳмонни иззат-икром билан тўрга ўтқазишди. Пиёлага нимчорак қилиб кўк чой қуйилди. Гап орасида "айбнома" тўлдирувчи — қаламини шайлаб ўтирган "эксперт" врач ҳувайдолик — маҳалладош чиқиб қолди.

Подполковник шоиртабиатроқ киши бўлиб, шаҳар автоназорат бошқармасининг таълим-тарбия ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари экан.

Шоирнинг ташрифи муносабати биланми, бу "тахтиравон"га дамба-дам кўтарилиб, "уф"лаб чиқиб кетаётган ҳайдовчилар сони камайди. Ҳатто, йиғлагудай бўлиб ўзини оқлаётган ёшгина ҳайдовчи йигитнинг гувоҳномаси қайтарилиб, "гуноҳи" кечиб юборилди.

Ниҳоят, суҳбат мавзуи айланиб, асосий нуқтага боғланди: бир четда гуноҳкордай қимтиниб ўтирган каминага Эркин ака ишора қилди:

— Бу менинг укам. Ҳаммамиз гувоҳлигимизда шишага "уф"ласин. Агар ичгани тасдиқланса, бир йўла учта ҳайдовчилик "вазифа"сидан маҳрум қиламиз. Чунки шу кунларда ўзиники билан Абдуллажон Орипов ҳамда менинг машинамни ҳайдаб юрибди. Лекин ёшлигидан биламан: шу кунгача бир қултум пиво ҳам ичмай келарди.

Ўша лаънати узун найча шишага "уф" дегандим, не кўз билан кўрайки, унинг ичи яна қизғиш тортиб қолди.

— Ие, — деб юбордилар Эркин ака бир менга, бир атрофдагиларга қараб, — келиб-келиб шундоқ иссиқ кунда-я! Неча стакан ичдингиз?!

Шу сўз менга далда бўлди:

— Икки стакан. Пешинда шу ердан ўтаётиб, анаву Кўкалдош мадрасаси қаршисида морс сотишаётган экан, ўшандан ичгандим.

— Ҳа, ундай денг! — столга кафти билан бир уриб, ўртага чўкиб қолган жимликни бузди подполковник, — Ахир у нашватидан қилинган шарбат-ку! Ичиб олиб, бир соат қоринни офтобга тоблаб ётилса бас — у ёғи кайф! Демак, укамизнинг ичгани рост...

Лекин ҳеч қачон шаробхўрликка ружу қўймаганлигим, спиртли нарсалар истеъмол қилмаганлигим ҳисобга олиниб, "гуноҳим"дан ўтилди. Фақат бир шарт қўйилди: янаги ойнинг бошларида шаҳар автомобиль назорати ходимлари билан Эркин аканинг "Адабий учрашув кечаси"ни ташкил этиб беришим керак.

Мен ўз сўзимнинг устидан чиқдим — бошқарманинг катта мажлислар залида Тошкент шаҳар ДАН ходимлари билан ўтказилган адабий кеча жуда қизиқарли бўлди, таниқли хонандалар ижросида Эркин ака ғазалларига басталанган куй ва қўшиқлар янгради. Шеърхонлик бўлди. Мен ўзимнинг ҳайдовчилик "фаолиятим"да содир бўлиб турадиган воқеалардан сўзлаб бердим.

Учрашув сўнгида бошлиқнинг ўзи Эркин ака икковимизга биттадан назоратчилик ола таёғини тақдим этди. Бу фахрий аъзо бўлиб, улар сафига қўшилганимиз белгиси экан.




Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзига хос ўрин топмоқда. Ўзбек модели кўпгина мамлакатларда кенг эътироф этиляпти. Ўзбекистон тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб бормоқда. Бу каби ютуқларни яна санаш мумкин ва, албатта, буларнинг ҳаммаси Мустақиллик шарофатидандир.



Ўзбекистон мустақиллигига 10 йил тўлди. Ўзбекистон XXI асрга қадам қўйди. Бу аср ахборот ва коммуникация асридир. Бу даврда халқаро алоқалар тобора кенгайиб боради. Қувончлиси шундаки, Ўзбекистон бу майдонда ҳам мустақил ҳаракат қилади.

"ХАЛҚАРО ТЕЗКОР ПОЧТАМТ"
акциядорлик жамияти
қутлуғ Истиқлолимизнинг 10 йиллиги
билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади!



Котибиятга! Бундан кейин саҳифалашга барча материаллар "Халқаро тезкор почтамт" орқали туширилсин! Х.Д.

ЙЎЛИМИЗ ЁРУҒ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО, ЮРТИМИЗ ҲАМИША ОСОЙИШТА БЎЛСИН!





Самарқанд шаҳар Меҳнат бўлими жамоаси
энг улуғ, энг азиз байрамимиз —
Мустақилликнинг 10 йиллиги билан
барча ватандошларимизни
табриклайди.

Юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлидаги улуғвор ишларимиз бароридан келсин. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!



Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик концерни босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 19.00
Буюртма — Г - 2542

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh.SAYDALIYEV

